



Тингловчилар билан
гойибона суҳбатларни...



Авиация музейига саёҳат



Неварам—замон шиддатига
ҳамнафас авлод сақли...



Кўкка боққан йиғитча.



Аканинг "Мерседес"и юрмаганда
ука ёрдамга келди



Қумуши қишдан, зумрад баҳордан
Қошимайди кўзинг зийнати...

Садоқат

Президент ҳуқуқ тартибот идораси раҳбаридан:
-Сен менга содиқмисан?-деб сўрагани,
у дарҳол жавоб қилди:
-Мен қонунларга ва Конституцияга содиқман!

Яқинда Президент ўзининг сиёсатини қўллаб-қувватлайдиган ТВ канали ҳақида гапириб:
-У бизга ишламай кўйди. Канал менга ишламай кўйди!-деди.
Дарҳол ўша ТВдаги журналистлардан бир нечаси:

-Биз сиз учун ишлаганимиз ва Сизга ишламаймиз ҳам!-деб жавоб қайтарди.

Бу Америкага хос ҳолат. Ким билсин, балки бу ерда ҳам ҳамма соҳа ходимларига орден-медаллар тарқатиш урфи бўлганда ва уни Президент улашганда ўзига содиқлар кўпайиб кетган бўлармиди? Лекин бу заҳиёни ҳам боғлик. Бизда —Ўзбекистонда Президентга "ота", "дода" дейиш урфи. Ким ҳам отасига содиқ бўлмайди, дейсиз?

Америкада юқори даражали иккита медал бор. Биттаси "Шараф" медали. Бу қахрамонлик кўрсатган ҳарбийларга берилди. Бу медалнинг номи "Конгресс Шараф медали". 155 йил олдин таъсис этилган. Бугунга қадар бу медали олганлар уч миң атрофида. Бунинг ҳам кўп қисми биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари пайтида берилган. Бу медални тарихда фақат битта президент олган ҳолос.

Иккинчиси — "Озодлик медали" Кеннеди пайтида йўлга қўйилган. У жамиятнинг энг олдинги жаҳасида жасорат кўрсатиб, қатта нажижаларга эришган, халқ эътирофи эгачи инсонларга берилди. Уни Президент медали ҳам дейишади. Йилига 10, нари борса, 15 кишига берилди.

Мукофотлар кўп. Аммо уларни ҳар соҳанинг ўзидан, иш жойларида меҳнатнинг самарасига қараб беришади. Масалан, "Америка овози"радиосида ишлаганимда беш марта мукофот олганман. Ундан кейин "JTG" деган ташкилотнинг Тилшунослик марказида ишлаганимда 17 йил ичида 12 марта "Фахрий ёрлик" олганман.

Демокриманки, Америкада шунақа тартиб. Турли жамоат ташкилотлари бирор соҳада ютуққа эришсангиз сизни шундай тақдирлайди.

Олган мукофотларимнинг бирортасини олдиндан билмаганман. Бу эса, кимгадир содиқлик талаб қилмасликка замин. Меҳнат қилсангиз қадрлашади!

Агар бирор киши халқнинг назаридан қолган бўлса ва Президентга энг содиқ одам эсада, медал оломайди. Чунки матбуот "тит-питини" чиқариб ташлайди. Айниқса, ҳоким бўлиб, одамларни урса, ҳақорат қилса, камситса холига вой! Обруйининг жойиканализация!

Журналист

"Оқ уй"да қайдият(аккредитация)дан ўтган испан асили бир журналист матбуот конференциясида Президентга "ёлгон гапирялсиз, халқни алдайасиз" деди. Президент уни "сохта хабарчи"га чиқарди. Журналист бўш келмади. Президент ҳар сафар уни кўрганда, кескин саволлари қаршида қолганда қийин вазиятларга тушди.

Бир куни Президент журналистга "Сени Оқ уйда кўришни истайман" деди. Журналистнинг қайдиятини беқор қилишти. Ҳамма уни химоя қила бошлади, ҳатто рақиблари ҳам. Дарҳол фавқулодда суд бўлиб, журналистнинг қайдияти 24 соат ичида қайта тикланди. "Оқ уй" хато қилганини тан олди. Яна икки кўчкер юзма-юз келишти. Журналист савол берди, Президент бўзариб жавоб қилади.

Журналистнинг иш жойида маоши оширилди ва у махсус шартнома билан ишга олинган "миллионер" журналистлар сафига қўшилди.

Яқинда унинг Президент билан икки йиллик "жанги" ва Президентнинг "парда орти" ишлари ҳақидаги китоби чиқди. Бестселлер.

Бу эртак эмас. Жим турмайдиган журналистнинг номи Жим. (Жим Акоста). Президентнинг номи - Трамп.

Жойни бўшатинг

Сайловди тadbирлари авжига чиққан маҳал. Телевизорда энг қизик томоша шу. Номзодлар "Жаноб Президент. Сиз бу жойга лойиқ эмасиз, мен мамлакатни сиздан яхшироқ бошқараман, мана меннинг дастури!" деб ҳар куни такрорлаб туришибди. Президентнинг ҳар бир сўзи, ҳар бир одми "элақ"дан ўтказилмоқда. У билан бирга унинг партиясига ҳам синовда. Сиёсат, иқтисод, ташки масала, муҳожирилик ва ҳоказо



А М Е Р И Қ А

Президент қонундан устун эмас

Президент танлаб-танлаб Олий судга номзод тавсия қилди. Унинг сиёсий қарашларидан тортиб, талабаалигда қизларга бир-икки йўталганича галвирдан ўтказишти.

Агар Президент маҳкам туриб химоя қилмаса, Сенатдан қайтарди. Сайланганча Президент уни маҳд этди, ўрناق қилиб кўрсатди. Сайлангандан кейин ҳам роса "пахта қўйди".

Кунларнинг бирида Президент фармони судга муҳокамага келди, ўша қози фармонга қарши овоз берди. Ҳеч ким ажабланмади.

Талабалар билан учрашганда у ўзига берилган саволга шундай жавоб қайтарди.

"Қонун ҳамма учун баробар! Президент қонундан устун деган гап йўқ. Қолаверса, мен Президентни эмас, Конституцияни химоя қиламан, -деди у мағрур. У ҳозир Америка Олий Судининг Раиси.

Уммон фалсафаси

Уммон қантарилмаган отдек безовта. Одамнинг бўйидан баланд тўлқин шиддат билан соҳилга урилиб, орта қайтганда гирдоб ҳосил қилиб, айланиб кетмоқда.

Уммон худди одам овига чиққандек. Биз баликча тўр ташлаган қаби у ҳам одамга тўр ташлаётганга ўхшайди. Бунинг устига товушининг ваҳоҳати борлиқдаги барча саҳларни синдирутудек ваҳимали. Энди қучли тўлқин савалай бошлади. Ҷўмилишга келган одамларни соҳлари учидан жималоқларига қадар қўркув ишгоҳ этган.

Биз ҳам бир оз кутдикда ўзимизни тўлқинга урдик, тўлқин айлантриб бошқа томонга суриб кетди. Ўрнимиздан туриб иккинчи, учинчи ва кейинги тўлқинларни ҳам оша бошладик. Қучли тўлқин савалай бошлади. Лекин ўртароққа ўта олдик. Бояги ваҳима, қўркув гойиб бўлди. Соҳилдан бироз ичкарироқда долга секинроқ, тинч эди. Мазза қилиб чўмилидик. Бизни кўриб одамлар ҳам бирин-кетин уммонга кириб, ваҳимали қисми енгилди. Қўркув қуёш нурларига дош беролмаган бугдек гойиб бўлди.

Бу ҳолат қўрқоқлар учун гўзал фалсафа. Ташқаридан қўрқинчи қўрғинда, аммо ичига кириб, қантариб олсангиз уммон сизники. Токи чарчаб қолмасангиз мардона юзаврасиз...

Президент қабри

Президент қатга Буш ўлимидан олдин ўзи қўмиладиган жойни танлади. Ўз хисобидан ўша жойда олийгоҳ очди, у ерга тамир йўл солди. Уй-жойлар қурди. Саҳрони шаҳарга айлантриди. Президент кутубхонаси ҳам ўша ерда. Қабристон ҳашаматли кутубхона ҳовлисида. Ҳаммаёқ гулга бурқанган, гўзал маскан.

Робот

Уйимизда Irobot(Мен робот) деган чанг-юттич(пилесос) бор. У фақат чанг ютмайди, балки зарралардан тортиб, кўзга қўрқинадиган нўҳатдек нарсаларни ҳам "мик" этмай териб кетаверади. Ўзи айланиб юради. Товуши чиқмайди. Унча-бунча жойга тикилиб ҳам қолмайди. Девор ва диванлар жойлашувини "едлаб" елганидек, қаердан бурилишни, қайси томонга кетишни яхши билади. Стулларнинг орасига, диван, хонхатта остига ҳам бемалол кириб-чиқаверади. "Бу ёққа ўтмайсан" деган қутича бор. Ўшани қўйсангиз, тамом, эгасидан қўрққан

кучуқчадек ўша томонга бормади. Иши жуда тоза. Поллар ялтираб, гиллавлар "қулиб" туради. Электрдан бир марта қуч олса, бас, бир ярим соат ғимирлаб юради. Борлиги-йўқлиги билинмайди. "Бечора"нинг доимий уйи ҳам йўқ. "Раскладушка"сини қаерга қўйсангиз, ўша жойни топиб бориб "ухлайди".

Бўлган унга қараб, ўйланиб қоламан. Қайси кун умр йўлдошим:
-Яна нимани ўйлаб қолдингиз?-деди.
-Айтгим келмади. Қулиб қўйдим.
-Шундан ҳам фалсафа топасизов, -деди.
Фалсафа тополмадим. Лекин олис-олислардаги қимматлир ҳаёлимдан ўтгани рост.

Тўй

Америкада бир ўзбек тўй килди. Бордик. Таниш-билишларни айтибди. Менга жуда ҳам ёқди. Даблаба йўқ. Яхши гаплашдик, табриқладик, ўйнадик-қулдик. Ешларга бахт тилдик. Ўша ерда ўтирган бир таниш ая биздан ҳам шод эди.

-Ўзбекистонда бўлганда бор бутидан айрилариди. Топгани тўйга кетарди. Бу ерда эса биз ресторанга ўзимиз одам бошига юз доллардан пул бердик. Тўй текинга ўтди. Ешлар тўйлаган пулларига дам олишга кетишаркан. Мебел-пёбел, бисот-мисот деган гавго ҳам йўқ. Мана маданият! Бизда бўлса...

У роса тўйларнинг "пўстаг-мўстаг"ини қокди. Орадан анча вақт ўтди. Ҳалиги ая Ўзбекистонга бориб, Америкада топган пулига кенжасини ўйлантрибди. Кейин яна қайтиб келиб, Нью Ерқдаги ўрисларнинг уйида ўзи тенги кампирга боқувчилик қилиб юрган экан.

Навбатдаги тўйда кўришиб қолдик ва уни табриқладик.

-Тўйми тўй бўлди ўзиям. Бутун орзу-ҳавасларимга эришдик. Сандик-сандик бисот дейсизми, Туркиянинг келин-куёв учун чиқарган чойшабларно маржон тақилган пардаларни олдим. Тўйга келган тумонатга совга тарқатдим. Ҳамманинг оғзи "ланг" очилиб қолди. Мебелнинг ҳам энг зўридан олдим. Тўйми тўй бўлди. Рестораннинг олдида скрипкачиларни ўтқизиб, қалдириб қўйдим. Манадан деган артистларни "бирров"са сараладим. Балериналар, қизқичилар ёғлиди. Митти раққоса қизларни айтмайсизми? Юлдуз-ку тўйимизнинг юлдузи бўлди. Бу ердан олиб борганим — олтин биллакузлардан биттасини шартга қўлига тақиб юбордим. Бошидан доллар сочдим. Ниҳоқ маросимини айтмайсизми, халқ халига қадар гапириб, ҳавас қилиб юрибди. Манимча, бизга етадигани чиқмади хали. Яхшиси, мана ўзингиз томоша қилинг.

У шундай деб телефонини узатди. Олмадим.

-Телефонни яхши тушуноммайман, бузиб қўймайин, ўзингиз юборарсиз менинг телефонимга, - дедим.
-Уйга борганда кўрарман, -дедим.
-Йўқ укажон, хозирроқ кўринг, мазза қиласиз, ўзимизнинг тўйларни соғинагансиз, биламан!

...Анчадан буюн ўзим "Жиннихона" деб ном қўйган бу улкан шаҳарга борганим йўқ. Борсам ҳам халиги яани кўргим йўқ. Чунки тўйни томоша қилдимми, йўқми, сўраб қолади-да!
Дарвоқе, охириги юборган хатига кўра,

Маҳалламиз

Биз Америкага келганимиздан буюн биламанки, бизнинг штатда ҳам маҳалла тизими бор. Аммо у шахсий ишга аралашмайди, ҳукуматнинг топширигини бажармайди. Маҳалламизни озода, тартибли, ободон сақлаш, ахлатнинг вақтида олиниши, қор қурилиши, янги қурилиш қаби масалалар билан шуғулланади.

Йўлларимизнинг бир жойи қўпорилса, дарҳол таъмир қилдиради. Кўчаларимизда тунда чироқлар ёниб туришини таъминлайди. Қўмиладиган ҳовузлар, сауна, болалар ўйингоҳларини ташкил этиб, ишини юритади. Тўйхона, бепул интернет-кафе, мажлислар зали ташкил қилган.

Даракхлар, парклар, ўрмонимиздан бохабар. Ўтларни ўриб, атрофга гуллар экиб туради.

Маҳалламиз турли компаниялар билан биз учун тортишиб, бошқаларга нисбатан арзонроқ интернет, ТВ дастурлари ва ҳоказо хизматларни ҳам олади. Байрамларда турли тантаналар уюштиради. Сиёсат билан иши йўқ.

Ҳукуматдан ҳам ёрдам олиши мумкин, аммо асосий пулни ўзимиз берамиз. Ойлик бадал шаклида.

Маҳалламизнинг посбони ҳам бор. Махсус машинада айланиб юради ва ҳавфсизлики таъминлайди.

Йилда бир марта маҳалламиз ўз ҳисобини ёзма равишда ҳар ҳонадонга тарқатди. Уни мажлисда муҳокама қиламиз, фаолларни сайлаймиз, кейинги йил бюджетини ҳам ўзимиз белгилаймиз. Номзодини кўрсатганларни тинглаб, дастурини муҳокама қилиб, кейин сайлаймиз.

Ўзбекларнинг ҳам ватани

Дунёдаги жуда кўп мамлакатларнинг номи ўша ердаги туб халқнинг номи билан боғлиқ. Ўшандай шароитда бошқа халқлар у ерга бегонадек, иккинчидек туюлади. Айниқса, у жойда демократия, эркинлик мавжуд бўлмаса.

Америка бундай эмас. Чунки Америка ҳамма халқларнинг - муҳожириларнинг ватани. Бугунгача ҳам шундай, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Бу шунчаки гап эмас, Асосий Қонун ва бошқа ҳужжатлар билан ҳам қафолатланган. Буни бузадиган куч топилмади ва топилмайди ҳам.

Америкада йилга йил олдин бор йўғи 150-200 нафар доимий яшайдиган ўзбек бор эди. Бутун уларнинг сони юз мингдан ошди. Улар Америка фуқаролигини оломқдалар еки шу заминда туғилмоқдалар, эркин биллимга қовушмоқдалар, улгаймоқдалар. Демак, Америка ўзбекларнинг ҳам ватани.

Бир кун келиб бу мамлакатда ўзбек-америкаликлар сони миллионлардан ошди ва уларнинг орасидан сенаторлар, конгрессменлар, давлат қотиблари ва ҳатто президент ҳам етишиб чиқди. Ўшанда Ўзбекистондаги ўзбеклар улар билан фахрланишади. Бу кунлар узоқ эмас.

Энага

Невараларимга қараш учун энага қилдирик. Бир рус аёл телефон қилди. Руслар ўзбекларни ишлатганда биз ҳам русни ишлатиб кўрайлик, дедик. Суҳбатга қақирдик.



Эрталабки бадантария

Салом-алиқдан кейин у Американи ёмонлашга бошлади.

-Бу ноқўриқ бўлади, бундай қилманг, -дедим.

Бир зумдан сўнг Путинни макташга ўтди. Бу асабиға текканини сезган умр йўлдошим уни саволга тутди:

-Сиз томонларда нарх-наво қандай?

-Қундан кунга ошиб кетмоқда.

-Нафақа олармидингиз?

-Бо, берган нафақаси чирокнинг пулига етмайди.

-Уйингиз турибдими?

-Янги мафия чиккан. Кексаларнинг уйини тортиб олади. Алдаб, копконга туширишиди. Суд ҳам ўшаларга ишлайди.

-Хм... судлар ҳам яхши ишламайди денг?

-Ха, адолат умуман йўқ, -деди у куюниб.

-Политсиячи?

-Қўлига тушган одам соғ чиқмайди.

-Животчилик қамайганими?

-Қоронгу бўлса, қўчага қилмаймиз.

Ўзимни тутолмадим. Сухбатга аралашдим:

-Хамма ёқ дабдала экан, нима қиласиз Путинга сизиниби?-дедим.

бир рус билан бахсларимизга қулоқ солади доим. Русчани билади. Москвада ўқиган.

Хуллас, мен уч соат деганда бахсини тарқ этдим. Бу биринчиси ёки иккинчиси эмас. Бу клубга аъзо бўлганимга ўн йилдан ошди. Шундан бери бундай бахслар бор. Демак, менгача ҳам бўлган. Бундан кейин давом этаверади. Бахсага қимлар қўшилмайди дейсиз? Афгондан тортиб қилилканча, украину хитойликкача... дунёнинг ҳамма жойидан келганлар бор. Бахсага қўшилмай газета ўқиб ўтирганлар ҳам бўлади, албатта.

Менга қизик бўлган нарса-ҳеч қачон бахс жанжалга айланмайди. Ҳамма кетаётганда бир-бирига хайрли кун ёки хайрли тун тилайди. Кейинги сафар яна бошка бир мавзуда бахсини давом эттиравешилади.

Биз эса иккига ўзбек бир-биримиз билан бахс қила олмаймиз. Бахсада англигани учун индамай ўтириш - бу ўзбекининг ўлими. Ўлса ўладики, ўзи билмаган нарсанинг ростлигини исботлашга урунишдан тўхтамайди. Ушлаганини қўймайди. Охири жанжал бўлади. Бундан кейин сизимиз, бир-бирининг шахсий нукталарига хужум қилади. Камситиш бошланади. Охири бир-бирдан

ранда қозоннинг таги кўрина бошлаган экан.

-Ўзбекча сомса...
-Ҳозир... бир зум... сўраб кўрайчи...
Бу "тамом бўлибди" дейишдан олдин ишлагиланган ибора. Орадан бир зум ўтмай бу ибора ишлатилди ҳам.

Хуллас, зиёфат бир икки сик шашликдан нарига ўтмади. Ярим тунда йўлга чиқдик. Уйга етиб келганимизда тонг отиб қолганди. Балки мехмон нимага бунча йўлга бориб-кеганимизнинг жумбогини ечолмай ухлаб қолгандир.

Мен эса Америкада олис бир ўлкада "Чойхона" деган сўз балки ўлаётган соғинчни тирилтирармикан, деб борганимизни анигла олганимни ўйлавериб ухлай олмадим.

Дарвоқе, соғинч ҳам ўладими?

Ха, ўлар экан. Мен буни биздан олдин хоризта чиккандлардан эшитиб, ажабланардим. Энди ўзим ҳам сезаяман. 17 апрелда Ўзбекистонни тарқ этганимга 19 йил тўлади. Йиллар кемирувчи... Бугун менинг гапларимга ажабланганлар бир кун келиб

шундай ном бердимикан?

Балки соғинч сели остида қолгандир у...
Бу алоқис ўйлар хаёлимдан гувиллаб ўтар экан унга: фарзанди ризкил-насибали умри узок бўлишини тиладим.

Бегона биродарлар

Пойтахт Вашингтон алоҳида штат ҳам эмас, бирорта штатга ҳам кирмайди. Шу нома алоҳида штат бор. У Тинч океани томонда. Вашингтон шаҳри эса Атлантикага яқин-пойтахт, мустақил шаҳар. Унча бой яшайди. Чунки Америка солиқлар ҳисобига яшайди. Солиқларни эса штатлар ва федерал ҳукумат йиғади. Шунинг учунмикан, Вашингтоннинг кўчалари ўйим-чуқур, машина катнови ёмон, уй-жойлар эски. Лекин янги ва яхши уйлар ҳам бор, жуда қиммат туради. Бу шаҳарда бой одамлар анчагина. Шунга қарамай, Орегондек жойдан кўчиб келганлар учун илк таассурот-ғариб шаҳарга ўхшайди.

Ақсарият одамлар Вашингтонда ишлагани билан бу шаҳарни ўраб турган Виржиния ва Мэриленд штатларида яшайди. Шаҳар ва шаҳарни ўраб олган жойни Метрополитан минтақаси, дейишади. АҚШга Афғонистон, Туркия орқали кўчиб келган 140-150 ўзбек оиласи ҳам минтақанинг Виржиния қисмида яшайди. Бу жойни Шимолӣ Виржиния дейишади.

манзаралари



Шотомак дарёси бўйида меҳмонлар билан...

-Айб Путинда эмас. Унинг умри узок бўлсин. У бизнинг суйанган тоғимиз! У русларнинг обрўсини кўтарди!-деди энага.

-Бўлмаса, қимда?
-Америкада! Америка аралашмаса, Гуржистонни, Украинани қўшиб олардик, Саакашвилини осардик, ана у шоқоладчи Порошкенони Сибирга сургун қилардик. СССРни тиклардик, олдингидек анча арзон-гарчилик бўларди. Путиннинг ҳамма гаплари ва ҳаракатлари тўғри. Лекин Америка уни кўролмаяпти.

-Унинг ҳамма иши тўғри бўлса ва сизга ёкса, Америкага нимага келдингиз?
-Нон топиш учун келдик-да. Нонимиз етарли бўлса, бу ёсларга келармикиз? Бирини ҳам даъвати ўрта осиелик гастербайтерлар териб кетаяпти.

Мана шу гапи асабимни игнадек тешиб юборди. Эшикни орқасидан тарақлатиб ёндим.

кўнгли қолади. Душманга айлиниб кетади. Ҳатто хоризда ҳам шу ахвол. Ҳамма бир-бирини бошкасига ёмонлайди. Яхшилаб суриштирсангиз уларнинг душманлиги олдингига бахсадан бошланади.

Кеча саундаги бахсадан айрилар эканман, сафта янги қўшилган боливиялик бир киши:

-Раҳмат сизларга, мен кўп нарсани билмас эканман, шунинг учун индамай ўтирдим, бундан кейин бахс мавзусини келишиб олсак балки тайёрлини келардик, -деб қолди. Унга хиндистонлик оқвой амаки:

-Эртага қор ёғмоқчи, бахс мавзуси ўша, -деди.

-Бўлмаса об-ҳаво каналини томоша қилиб келаман.

Ҳамма қулиб юборди. Боливиялик эса жиддий эди.

Шу дамда у мен ўйлаб турган масалага ениб топиб берди гўё.

Ха, бу ерда бахс қилаётганларнинг ҳаммаси билимли ва бир нарсани билмаса бахслашмайди. Қундалик воқеаларни кузатиб боришда ва саунага ҳам даста-даста газета кўтариб келишади. Шунда ҳам билмагани билганига қулоқ солади. Ўзини камситилган деб хис этмайди, ақсинча боливиялик ўхшаб мардона тан олади.

Ўзбекистонни соғинмай қолаяман дея тавшифта тушишлари мумкин...
Дўстларни соғинардим олдин. Ҳозир дўстлар ҳам, қариндошлар ҳам шу ерда ёки келиб-кеттишмоқда.

Сухбатларни, бахсларни соғинардим. Ҳар бир кун сухбатлардан, ҳар бир кун бахслардан иборат бўлиб қолди.

Баъзан замонавий ўзбек фильмлари назар ташлайман. Жуда примитив. Бир аср ортада қулиб кетган каби. Сунъий ва қулгили. Хаёт бошка, филм бошка. Гаплар ҳам, ижро ҳам қулгили туяолади.

Ўзбекча китоблар, газеталар, ТВ, радио... Ўзбекистонники Совет давридагидан ҳам хароб. Бу ердаги ташкил этилган ТВ, Радио қабисини у ерда тополмайсиз.

Тўйларни соғинардим... Нью Йоркда ўзбеклар шунчалик кўпайдики, ўзбек тили Бруклин ва Бронксда рус тилидан кейин иккинчи "давлат тили"га айлиниб қолайди. Хафтада бўлмасда ойда икки марта тўй бор...
Бу ерда тўйхоналари ўзимизникидай қабирстонларга пайдо бўлди...
Дунё кезаверсангиз, Ўзбекистондаги киноларнинг дилинғизга қўмилган салобатини ҳам йўқотар экансиз...

Ииллар ўтгани сайин бу туйғунинг ҳукмронлиги қуяймоқда. Бу мени кўркувга солади!
Ўзбекистонга бориб яшай олмайти қайтиб келаётганларни кўрайман...
Буниси яна ҳам аянчли!!!
Келган одамнинг кетгиси йўқ. Раҳматли амакимнинг 70 ёшли қизи Хосият опам "гринкард" ютиб, бу ерда яшайётган ўғлини билга бир ойда келиб, олти ой кетолмадилар... Ҳозир яна қайтиб келмоқчи эканлар...
Бу ерда миришлар порра сўраб сизни тахрирламайди...
Ўзингиз қонидни, қонунни бузмасангиз уларнинг сиз билан ишлари йўқ.

Бу ерда суднинг остонасида адолат истаб ойлари йилларга уламайсиз...
Гап-ташқанинг ҳам кам йўқ. Ўзбек рестораниро дўкналарининг саногига етмай қоляемиз.

Ўзбекистондаги хар қандай таом, хар қандай мева-чеванинг турфасини кишин эзин топасиз бу ерда. Дарахнинг устида қуриб қоладиган "Жопазак" ўрингининг туршаги, Боғзогоннинг қуритилган қовуни, Тошканининг қазик-картаси, Сурхонда пишириб жўнатилган "тандир", Варганза анори, Боғибаланд анжирини... хуллас, Ўзбекистонда нима етиштирилса, нима ишлаб чиқарилса, энг сифатлиси шу ерда...
Мен бўлсам "Чойхона" соғинчни тирилтирар деб овораю-совора бўлиб, ҳатто дўстимни ҳам у ерда олиб борибман. Аслида соғинч қушандаларидан бирини зиёрат этибмиз...
Шуларнинг ҳаммасига қарамадан қидик қоним тўқилган юртимга - Ўзбекистонимга боргим келади. Аммо... эҳ-х, аммо йўллар берк. Ўзбекистоним мени соғинмай қўйган...
Ватанга соғинчимни ёиб ўтиргандим, бир танишим сик қокди. Қиз кўрибди. Исмини эса... нима денг? Соғинч деб қўйибди.

Тасодифни қаранг! Одамзот бу дунёнинг сирларини тушунай ўтиб кетади, шеклиди...
Балки хоризда тугилган фарзандига Соғинч деб исм бераркан, танишим ҳам соғинчни соғина бошладимикан ёки соғинчни унутмайин, деб биринчи фарзандига

Тошкентлик, асли келиб чиқиси Крим туркларидан бўлган бир кишининг уйда турдик. Жуда яхши, бағри кең, мехмонларвар одам. Унинг уйда августдан то ноябрга қадар - ўзимиз алоҳида квартира олиб чиккунча яшадик.

Шу орада ўзбеклар ва америкаликлар орасидаги фарқни ҳам кўриб олишга фурсат бўлди.

Келганимизни эшитган ўзбеклар ҳам, биз танишиб улгурган америкаликлар ҳам меҳмонга чакира бошладилар. Хали у ерда, хали бу ерда борамиз.

Афғонистондан келган ўзбеклардан бири уйига тақдир қилди. Бордик. Қошолада яшар экан. Хавас қилдик. Яхши кунларига буюрсин, бизга ҳам насиб этсин, деб дуо қилдик.

Уч-тўрт ўзбек оиласи йиғилди. Эркалар алоҳида, аёллар алоҳида уйларда. Икитаси Саудияда яшаб, кейин бу ерда келган экан. Сухбат мавзуси тижорат, Американи қоралаш ва ким қунига неча марта орткича намаз ўқигани хақида. Орада ўзларининг инглизчани бурро билишларини ҳам кистириб қўйишарди. Бир-икки қалимани инглизча айтгандим:

-Нима?-деди биттаси. Эшитмабди деб ўйлаб яна такрорладим.

-Нима?-деди ғийбат.

Учинчи марта такрорласам, у айна сўзини ўзи қайтадан талаффуз қилдида қулиб юборди:

-Булар ўрис, - дедида, яна қулди. Унга қўшилиб қолганлар ҳам қулиб қўйишди. Бироз нуқулай бўлди. Аммо тишини-тишга қўйиш керак.

Инглизчадаги "th" тувшини Афғонистондан келган ўзбеклар "д" деб талаффуз қилишар ва руслар "з" деб айтишаркан. "Ўрисга айлиниб қолганимиз" ана шундан.

Кейин Қуръони Қарим ва ҳадислардан саволга тутта бошлади. Бу масалада озгина саводим бор. Туркияда гўртта китоб таржима қилгандим ва ўзим ҳам битта китоб ёзгандим. Улар билан бахшалашиб қолдик. Улар эшитганларини, қамина эса ўқиганини айтаятганди.

-Сиз ўзбеклар динни шўроларга сотгансизлар, -деб юборди биттаси.

Тилим ёмон, озгидан чикканини ёқасига ёпиштириб қўйдим. Жимлик чўқди.

Бир пайт биттаси ўридан туриб азон айти бошлади, қолганлар сафта тизилдилар ва намаз ўқишди. Жойимдан қимирламадим. Бояти гап миямнинг томирларини гудуллатди.

Сен агар осмонга талинсанг агар Не учун елками тугитиб бермайин...

Баҳс

Америкада сауна худди ўзимизнинг чойхонадек гап. Эрталдан кечгача урунқ. Қўшилган қўшилаверади, кетган кетаверади. Ақсарият одам бир-бирини танийди. Кеча сауна тирбанд эди. Улар араб мамлакатларидаги воқеаларни бахслашайотган эканлар.

-Буни ЦРУ қилмоқда, -деди биттаси ва буни асослашга уринади. Уни танийман. Асли эронлик. Ешилгида бўйнига пичоқ солишган. Ярим жон бўлиб қолган. "Саунага келмасан оғриқ мени ёйди" дейди у икки гапининг бирини.

-Агар бу ишларни ЦРУ қилаётган бўлса, нега "Бу ташкилот Мисрдаги воқеа-

Соғинч

Бир кун бошка бир мамлакатда истикома киладиган дўстим меҳмонга келди. У билан бир неча кун дарлашдик. Меҳмондорчилик ҳам қарий бошлади. Кетар чоги унга:

-Сизни ўзбеклар очган ва менга ёккан



Эр қишига энг катта бахт — шешовасига яхши турмуш уртоғи битилганидир. Родилаҳоним — бахтим менинг!

лардан орқада қолди" деб танқид остига олишмоқда? Бу саводни берган киши асли хиндистонлик. Уни бир кўришда қаердан эканлигини билмайсиз. Чунки оқвой. Юз тизлиши эса ўзбекча ўхшаб кетади. У хар қандай шунинг "онасини кўретади".

Эронлик унга:

-Нима, "Мен қилаяман" десинми, албаттаки тексарисини айтди, -деб улгурманган ҳам эди гапга бир араб киши аралашди. Бу одам илгарилари бахсларга қўшилмас эди. Аммо бугун қони қайнаган. Бу гаплар арабларни камситиш учун айтилаётгани, араблар жуда фаол ирклиги ва бу уларнинг навбатдаги бахори эканини роса куюниб билдирди. Унга эътироз билдирдим:

-Шуниг учун ҳам Мисрда уларга сиесий партияни армия тузиб беряпти экан-да?

-Нима, Ўзбекистонда сиесий партия борми?-дея кесатди у.

У билан тез-тез гаплашиб турмасак ҳам

бир "Чойхона"-ресторанга олиб бормоқчиман, -дедим.

Меҳмон нима десин? "Уйимда еганим ўзбек таомлари, сизнинг уйингизда ҳам айиниси, яна мени ўзбек ресторанига олиб борасизми?" десинми? Бундай пайтда бир нима дейиш мушкул, мезбоннинг қўнглига қаралади. У индамай рози бўлди.

Йўлга тушидик. Қокки яқин бўлса. Йўл юрсак ҳам мўл юриб, бир неча соат деганда бошка бир шаҳарга етиб келдик.

Битта бурчақда қичкинагина бионинг пештокига "Чойхона" деб ёзилган. Меҳмон хайрон эди. Нахотки, шунча йўлни шунинг учун босиб ўтдик? Лекин хази-хузуд билан гапининг учини чиқарса ҳам менинг дилимни оғритмаслик учунми тилини тишларди. Чойхона қичкина бўлсада виж-виж одам. Овқат буюрини навбати келганда маълум бўлдики, биз анча кеч қолганимиз ва ресто-

пиллаётган эди.

-Булар қоғир бўлиб кетган, -деди ўша Саудияда яшаб кейин бу ерда келган киши.

-Таҳоратсиз намаз ўқигандан қўра, қоғир деган ҳақоратни эшитиш яхшироқ, -дедим киноя билан.

Хуллас, биз мутлоқ бошка одамлар каби эдик. Сухбатимиз қовушмас, зехниятимиз ҳам бошка эди. Вақт ва макон бизни бегоналарга айланттириб қўйганди.

Бундай пайтда ким ҳақ, ким ноҳақлигини айтолмайсиз. Бировни қоғир дейиш яратган Эгамнинг иши, биз бандаларга бундай ҳақ берилмаганку...

Шунинг учун хафа бўлмадик. Афғонистонни ўрислар босиб олганда уларга қўшрилиб ўзбекистонлик ўзбеклар ҳам бориб, жанг қилгани бор нарса-ку. Ҳеч бўлмаса шуни юзимга солишмадику? "Сизлар туғайли беватан бўлдик" дейишса, нима жа-воб қилардим? Гапингизни бориб Брежневга айтинг, дердимиз? Уларга ҳам осон эмас, араз тутишга ҳақлари бор, деб ўйладим.

Бошка бир сафар қамина махбуста, мезбонлар терговчига айлинишиди:

-Қаердансиз?
-Ўзбекистондан?
-Ўзбекистоннинг қаеридан?
-Самарқанддан.
-Ўзбакмисиз?
-Ха, ўзбекман.
-Ўзбакка ўхшайсизку?
-Кимга ўхшайман?
-Тожикка ўхшайсиз. Боринг дарров ҳамортларнингиз-самарқандликларга қўшилиб олинг. Ўзлари алоҳида гуруҳ. Бошқаларни писанд этмайдилар. Улар бойроқ...

Кейин билсам, бу ердаги туркистонликлар орасида "тошқанликлар", "маргилонликлар" ва "самарқандликлар" деган гуруҳлар бор экан. Ота-боболари Фарғона водийсидан қичиб кетганлар - "маргилонликлар", Зарафшон водийсидан чиккандлар-"самарқандликлар", қолганлар эса "тошқанликлар" экан.

Бир ўтиришда маҳаллийчиликнинг зарари хақида "доқлад" бошладим. Қаёқда, бу ерда ҳамма бир-бирининг устидан қулар ва орқаси ўтирилдимми, камситишни бошларкан:

-Бу фалончининг муриди эди...
-Бу фалончининг баччаси эди...
-Бу "ҳалқий"нинг жоусеи бўлган...
-Бу "Таблиц"нинг пулига одам бўлди...
Во даринг! Ҳозиргина бир дастурхондан ош еб, жамоа бўлиб намаз ўқиганлар шерклири қичиб кетиши билан гийбат бошлашарди.

-Қизини сассик покистонликка берган...
Бу гапни айтган одам қичиб кетиши билан:

-Ўзининг қизи америкалик хиндига тегиб кетди-ку, бошқаларни гап қилади...
Энди шу гапни айтган одам кетган, унинг орқасидан:

-Бу ўзи анди, ота-бобоси хитойлардан... Камситиш ҳам эмас, бу ҳақорат эди. Бунга чидаб ўтириш мумкин эмас. Ҳамма билан бахшалашишга тўғри келарди.

Бир кун америкаликлардан бири меҳмонга чакирди. Бордик. "Қаердансан, қайси кишқокдан, қайси уруғдан, қайси диндан?" деган гаплар умуман йўқ.

-"Уруш ва тинчлик"ни зўр ёзганда Толстой...
-Иккига Толстойни қориттирмайсизларми? Бизда Лев билан Алексеевни адаштириб қўйишадди баъзан.

-Архимед билан Лобачевский иستهъдоди жихатидан теппа-теғ одамлар. Фақат бошка-бошка даврларда яшанган. Лекин биттаси дунёга машхур, иккинчисини қўпчилик билмайди...
-Сизларда ҳам сайлов кампанияси икки йил олдиндан бошланадими?
-Қандай қилиб президент муддати бити ҳам тахтда ўтирариши мумкин?
-Нега Ўрта Осиедан чиккан Форобий, Ибн Сино, Хоразмий ва бошқаларни дунё араб деб таниган?
-Нега мустақил бўлиб ҳам Ленин ва Сталин берган номларни сақлаб қолгансизлар? У жойда олдин ҳам Ўзбекистон деган жой бўлганми?
-Софоклининг "Шоҳ Эдип" асарини ўқиганимиз?
-Бошсиз хўроз-Майклага сизиниш қандай бошланганини биласизми?
Бутун оқшом ана шундай саволларга жавоб қидириш билан ўтди. Уйга қайтаётиб раҳматли амакимни эсладик:

-Бу одамларга нондан гапир, сиеъатдан эмас, миш-мишлардан гапир, хақиқатдан эмас, дердилар ва қўлларини ситтаб қўярдилар.

Буёқдагилар амаким ҳамсубхат бўла-



Маҳалламиздаги қўл сунъий лекин лайлақлар ҳақиқий.

пиллаётган эди.

-Булар қоғир бўлиб кетган, -деди ўша Саудияда яшаб кейин бу ерда келган киши.

-Таҳоратсиз намаз ўқигандан қўра, қоғир деган ҳақоратни эшитиш яхшироқ, -дедим киноя билан.

Хуллас, биз мутлоқ бошка одамлар каби эдик. Сухбатимиз қовушмас, зехниятимиз ҳам бошка эди. Вақт ва макон бизни бегоналарга айланттириб қўйганди.

Бундай пайтда ким ҳақ, ким ноҳақлигини айтолмайсиз. Бировни қоғир дейиш яратган Эгамнинг иши, биз бандаларга бундай ҳақ берилмаганку...

Шунинг учун хафа бўлмадик. Афғонистонни ўрислар босиб олганда уларга қўшрилиб ўзбекистонлик ўзбеклар ҳам бориб, жанг қилгани бор нарса-ку. Ҳеч бўлмаса шуни юзимга солишмадику? "Сизлар туғайли беватан бўлдик" дейишса, нима жа-воб қилардим? Гапингизни бориб Брежневга айтинг, дердимиз? Уларга ҳам осон эмас, араз тутишга ҳақлари бор, деб ўйладим.

Бошка бир сафар қамина махбуста, мезбонлар терговчига айлинишиди:

-Қаердансиз?
-Ўзбекистондан?
-Ўзбекистоннинг қаеридан?
-Самарқанддан.
-Ўзбакмисиз?
-Ха, ўзбекман.
-Ўзбакка ўхшайсизку?
-Кимга ўхшайман?
-Тожикка ўхшайсиз. Боринг дарров ҳамортларнингиз-самарқандликларга қўшилиб олинг. Ўзлари алоҳида гуруҳ. Бошқаларни писанд этмайдилар. Улар бойроқ...

Кейин билсам, бу ердаги туркистонликлар орасида "тошқанликлар", "маргилонликлар" ва "самарқандликлар" деган гуруҳлар бор экан. Ота-боболари Фарғона водийсидан қичиб кетганлар - "маргилонликлар", Зарафшон водийсидан чиккандлар-"самарқандликлар", қолганлар эса "тошқанликлар" экан.

Бир ўтиришда маҳаллийчиликнинг зарари хақида "доқлад" бошладим. Қаёқда, бу ерда ҳамма бир-бирининг устидан қулар ва орқаси ўтирилдимми, камситишни бошларкан:

-Бу фалончининг муриди эди...
-Бу фалончининг баччаси эди...
-Бу "ҳалқий"нинг жоусеи бўлган...
-Бу "Таблиц"нинг пулига одам бўлди...
Во даринг! Ҳозиргина бир дастурхондан ош еб, жамоа бўлиб намаз ўқиганлар шерклири қичиб кетиши билан гийбат бошлашарди.

-Қизини сассик покистонликка берган...
Бу гапни айтган одам қичиб кетиши билан:

-Ўзининг қизи америкалик хиндига тегиб кетди-ку, бошқаларни гап қилади...
Энди шу гапни айтган одам кетган, унинг орқасидан:

-Бу ўзи анди, ота-бобоси хитойлардан... Камситиш ҳам эмас, бу ҳақорат эди. Бунга чидаб ўтириш мумкин эмас. Ҳамма билан бахшалашишга тўғри келарди.

Бир кун америкаликлардан бири меҳмонга чакирди. Бордик. "Қаердансан, қайси кишқокдан, қайси уруғдан, қайси диндан?" деган гаплар умуман йўқ.

-"Уруш ва тинчлик"ни зўр ёзганда Толстой...
-Иккига Толстойни қориттирмайсизларми? Бизда Лев билан Алексеевни адаштириб қўйишадди баъзан.

-Архимед билан Лобачевский иستهъдоди жихатидан теппа-теғ одамлар. Фақат бошка-бошка даврларда яшанган. Лекин биттаси дунёга машхур, иккинчисини қўпчилик билмайди...
-Сизларда ҳам сайлов кампанияси икки йил олдиндан бошланадими?
-Қандай қилиб президент муддати бити ҳам тахтда ўтирариши мумкин?
-Нега Ўрта Осиедан чиккан Форобий, Ибн Сино, Хоразмий ва бошқаларни дунё араб деб таниган?
-Нега мустақил бўлиб ҳам Ленин ва Сталин берган номларни сақлаб қолгансизлар? У жойда олдин ҳам Ўзбекистон деган жой бўлганми?
-Софоклининг "Шоҳ Эдип" асарини ўқиганимиз?
-Бошсиз хўроз-Майклага сизиниш қандай бошланганини биласизми?
Бутун оқшом ана шундай саволларга жавоб қидириш билан ўтди. Уйга қайтаётиб раҳматли амакимни эсладик:

-Бу одамларга нондан гапир, сиеъатдан эмас, миш-мишлардан гапир, хақиқатдан эмас, дердилар ва қўлларини ситтаб қўярдилар.

Буёқдагилар амаким ҳамсубхат бўла-



Данагидан мағзи шири...



Дунёда китобларни ёқишдан ҳам қўра муҳим эҳсоният бор, бу — уларни ўқимақликдир! Маҳалламиздаги қўйма кутубхонада китоб алмашиш. Андиқонда ҳам қўча кутубхоналари очилганини "Адабиёт" газетамизда ўқиб харисол бўлдим.

диган одамлар экан. Доим сиеъатдан ва хаку ноҳақликдан гапираришди. Бизда қирб ва хирс жуда кучли. Бу одамлар эса буни ениб олишган. Шунинг учун ҳам на уй-жойимизга, на машинамизга, на мансабамизга, на талаффузимизга эътибор қилишарди. Улар учун бани одамзод қавмидан бўлсақ бас - хурматимиз ва ҳуқуқларимиз қафолланган!

Тамом. Давома янги йил сонларида.

Обуна 2020!

(Тахририятдан: Янги йилда газета чакана савдога вилоятларга чиқарила-майди. Тошкент шаҳрида ҳам чакана савдони бекор қилиш режамиз йўқ эмас, сабаби иштеимоий тармоқларда яхшигина шов-шув уюлган ўтган социализмнинг ярми бизга номаълум сабабларга қўра сотилмади деган тамма билан қайтариб берилди ва жарима қўлланиб сотилган қисмидан ушлаб қолдиди, чакана савдонинг фойдасидан зарари кўпроқ бўлди. Шунинг учун мухлисларимизга ой охирига қадар газетамизга обуна бўлишини маслаҳат берамиз. Газета индекс — 273. Обуна "Ўзбекистон почтаси" ҳамда "Матбуот тарқатуви" АКНинг барча шаҳобчаларида амалга оширилади.)



Дарвоқе, газетамиз Америка қитъасида ҳам ўқилмоқда!